301198

Президент Анқарага жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл таклифига биноан, Туркия Республикасининг Миллий байрами — Республика Мустақиллигининг 75 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун 28 октябрь куни Анқарага жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, пойтахт ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Апайдин ҳам бор эди.

* * *

АНҚАРА, 28 октябрь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Миллий байрами — Республика эълон қилинганининг 75 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Анқарага келди. Эсенбўға аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Туркия Президентининг қароргоҳида икки мамлакат давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлди. Ислом Каримов туркиялик ҳамкасбини қутлуғ байрам билан самимий муборакбод этиб, Туркия раҳбариятига миллий истиқлолни янада мустаҳкамлаш, мамлакатни ҳар томонлама обод этишда янги муваффақиятлар, турк халқига эса фаровонлик ва бахт-саодат тилади. Сулаймон Демирэл байрам тантаналарига келгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Бу Ўзбекистон ва Туркия ҳамда икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона, самимий муносабатларни яна бир карра тасдиқлашини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Туркия муносабатларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидлаш керакки, Туркия Республикасининг миллий байрами кенг миқёсда нишонланмоқда. Анқарага йиғирмага яқин мамлакатнинг давлат раҳбарлари, ҳаммаси бўлиб қарийб 70 мамлакат делегацияси ташриф буюрган.

(ЎзА)

Пухта тайёргарлик зарур

28 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистонда ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессияси кўчма йиғилишини ўтказишга тайёргарликнинг боришига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Уни Бош вазир Ў. Султонов бошқарди.

Маълумки, ЮНЕСКО халқаро ташкилот сифатида бугунги кунда илм-фан, маданият ва маърифатнинг миллий тизимларини бирлаштирган ҳолда, айни пайтда уларни жаҳон интеллектуал тараққиётининг тажрибаси билан бойитаётган, халқларни бутун инсониятнинг улкан маънавий мероси билан ошно қилаётган кўприкка айланган. Шунинг учун ҳам тараққиётнинг мустақил йўлидан бораётган Ўзбекистон ЮНЕСКО билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда. Шу йилнинг 5-8 ноябрида мамлакатимизда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг кўчма йиғилиши ўтказилиши икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли эканлигидан далолатдир.

Мажлисда ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг бу нуфузли тадбирини пухта ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мутасадди вазирлик, компания ва ташкилотлар раҳбарлари белгиланган дастур бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов қатнашди.

(ЎзА)

Бу дунёнинг ишлари

Туркий олам байрами

Туркия Республикаси ташкил топганининг 75 йиллиги бутун дунёда катта тантана билан нишонланмоқда. Туркия ўз мустақиллигини жуда катта савашлар, қурбонлар эвазига қўлга киритди. Жумҳурият асосчиси ҳисобланмиш Мустафо Камол Отатурк йўлининг ўзига хослиги — у жорий этган принципларнинг бугунги кунда ҳам ҳаётий ва муҳим аҳамиятга эгалигидадир. Улар ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Қардош турк халқи демократик, дунёвий давлат қуриш йўлидан бормоқда.

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Апайдин: «Мустақиллигимизнинг 75 йиллик тантаналари узоқ вақт давом этади. Мен рамзий маънода, Туркияда 23 миллион ўзбек, Ўзбекистонда эса 60 миллион турк яшайди, деб ҳисоблайман», — деб айтди.

Салим АШУРОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 29 октябрь, пайшанба • № 129 (24.366).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракаларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шухратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда.

Бундай хунук одатларга берилган давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафсониятларига тегмоқда, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда.

Ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам ўтакетган дабдабали равишда ўтказишлар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиш, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келмоқда.

Мазкур интилишларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга туширмоқда.

Энг ачинарли томони шуки, бундай сохта хўжакўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Улар бу каби номақбул анъаналар ва одатларга айланиб бораётган ҳолатларга чек қўйиш ҳақидаги талабларини билдирмоқдалар. Ўзларининг эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, турар жойларини обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришга сарф қилиш — шундай олижаноб саъй-ҳаракатлар орқали эл-юрт олдида ўзларига ҳақиқий обрў орттириш юзасидан таклифлар ва маслаҳатлар бермоқдалар.

Юқоридагиларни назарда тутиб:

1. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига:

а) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда халқимиз табиатига ёт бундай хунук ҳолатларга зарба бериш, олдини олиш, чек қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилсин;

б) муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин;

в) жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил қилиш ва жорий этиш топширилсин.

2. Оммавий ахборот воситалари мазкур Фармонда кўтарилган масалаларнинг асл моҳиятини, намунавий анъаналарни кенг тарғиб қилсин, миллий қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси давлат ташкилотлари, маъмурий-ҳуқуқий идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, мансабдор шахслар томонидан юқорида кўрсатилган номақбулчиликларга йўл қўйилган ҳолатларни амалдаги қонунчилик асосида чуқур ўрганиб, тегишли хулосалар чиқарсин ва зарур чоралар кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 октябрь.



Сурур.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

«Ҳайрон қолдим...»

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йил 8 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола ёритилган эди. Ушбу мақола юзасидан Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев имзоси билан жавоб хати олинди. Унда қуйидагилар баён этилган:

«Денов тижорат бозори жойлашган қўрғон деворлари ёғингарчилик натижасида ўпирилгани сабабли аҳолининг талаб ва истакларига кўра бозор вақтинчалик шоҳбекат ҳудудидаги қурилишга мўлжалланган бўш жойга кўчирилган. Бу ҳақда Денов шоҳбекати ва тижорат бозори маъмуриятлари ўртасида қонуний шартнома тузилган.

Денов туман ҳокимлигининг қарори асосида шарқона усулда замонавий тижорат бозори қурилмоқда. Янги бозор барпо этилгани ҳамоно шоҳбекат ҳудудидаги тижорат бозори бутунлай кўчирилади.

Олтинсой туманидаги «Шакар-қамиш» жамоа хўжалигига қарашли «Ғунча» болалар боғчаси айрим сабабларга кўра ишламай турганлиги аниқланди. Боғча тез кунда таъмирланади ва ўғилқизларни қабул қилади.

Бундан ташқари «Шакар-қамиш» жамоа хўжалигида туман халқ таълими бўлимига қарашли 50 ўринли болалар боғчаси ҳам айни кунларда фаолият кўрсатмоқда».

Бу фақат зотилжам хуружи

— Россия Президентининг соғлиғи кундан-кунга яхшиланиб бормоқда, зотилжам хуружи чекинди, хавфли ҳеч нарса йўқ, — деди чет эл журналистларига ахборот берган америкалик таниқли юрак жарроҳи Майкл Дебейки. Президент юрагини тиғ ёрдамида даволаган профессор «унинг юраги яхши»лигини бир неча маротаба таъкидлади. Бу ҳақда у Москвадаги ҳамкасблари билан доимо алоқада бўлиб турганлигини, ҳамкасбларига «тўла ишонади»ни айтди.

1199 -қарор бажарилмаяпти

НАТОнинг ҳарбий қўмитаси раиси генерал Клаус Науман билан шу ташкилотнинг Европадаги бирлашган ҳарбий кучлар Бош қўмондони генерал Уэсли Кларк Милошевич ва Югославия ҳарбий бошлиқлари билан учрашди. Унда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1199-қарори бажарилиши масалалари муҳокама этилган. Баъзи ҳарбий қисмлар эгаллаб турган жойлардан олиб чиқиб кетилаётган бўлсада, «бажарилаётган» иш кўлами НАТО ҳарбий бошлиқларини қаноатлантирмаётир. Махсус полициячиларнинг йирик кучлари Косовода ҳамон сақланмоқда. Улар Милошевичга ана шу кучларни олиб чиқиб кетиши учун 24 соат муҳлат беришди. Халқаро кузатувчиларнинг гувоҳлик беришларича, Косово ва Метохида аҳвол ўзгаргани йўқ. Вақт эса кутиб турмайди.

Жосус комиссия сафидан чиқарилди

Ироқнинг оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш ва сақлаш бўйича текширув ишларини олиб борувчи БМТ махсус комиссияси сафидаги чилилик инспектор маҳфий ҳудудларни вертолёт ёрдамида суратга туширганлиги ва жосуслик ҳаракатлари қилганлиги учун уни комиссия сафидан ҳамда мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисидаги ҳукумат талабини комиссия раҳбарлари инобатга олди. Комиссия уни экспертлар қаторидан чиқарди. Ироқ ҳукумати БМТга халқаро инспекторлар жосуслик ҳаракатларини тўхтатмасалар «ўз хавфсизликларини таъминлаш ҳуқуқидан фойдаланишга» мажбур эканликларини билдирди.

«Бир давлат — икки тузум» асосида

Лиссабонда Хитой — Португалия ишчи гуруҳи тузилганлиги ҳақида хабар тарқатилди. Ишчи гуруҳи олдига Макаони Хитой юрисдикциясига ўтказишга ҳозирлик кўриш вазифаси юклатилган. Макао Хитойга 1999 йилнинг 20 декабрида топширилади.

Португалияликлар бу ерга XVI асрнинг ўрталарида келиб ўрнашган эдилар. Бундан кейин Макао махсус маъмурий район деб юритилади. Гонконг тажрибасига асосланиб бу ерда «бир давлат — икки тузум» асосида иш юритилади. Хитойликларнинг Макаога ҳарбий қисмларни ҳозирданоқ жойлаштириш тўғрисидаги талабларини португалияликлар рад этдилар. Макао расмий равишда Пекинга топширилмасдан бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Қизиқарли учрашув

Яқинда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 ва қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний туғилганлигининг 1200 йилликларига бағишлаб Самарқанд ва Фарғонада ўтказилган тантаналарда хорижий мамлакатлардан 80 дан ортиқ олим ва жамоат арбоблари қатнашди. Жумладан, Эрон Ислом Жумҳуриятидан ҳам бир гуруҳ олимлар келишди. Улардан бири — Имом ал-Бухорийнинг машҳур «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» асарини бошқа ҳадис тўпламлари билан солиштириш асосида тадқиқ этган Машҳад университетининг профессори Муҳаммад Воиззода Ўзбекистон Фанлар академиясининг И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий жамоаси билан учрашди.

Институт директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов эронлик меҳмонни табриклаб, бундай учрашувларнинг мамлакатларимиз илму фан аҳлининг азалий алоқаларини ривожлантиришдаги катта аҳамиятини таъкидлади. Профессор Воиззода Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларида қатнашишдан бахтиёр эканлигини изҳор қилиб, «Ислом фалсафаси ва Мулло Садро» мавзусида маъруза қилди.

Меҳмон йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Эрон Ислом Жумҳурияти Маданият вазирлигининг Тошкентдаги мазкур мамлакат элчихонаси қошидаги вакили Баҳман Акбарий иштирок этди.

М. ҚОДИРОВ

Газетамизнинг доимий мухлисимисиз?

Обуна—99

—«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» рўзномаларига ўтган йили обуна бўлганмисиз?

— «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасида қанча киши меҳнат қилади? Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?



Валерий ЖЎРАЕВ, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари:

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталари мамлакатимизда чоп этилаётган энг нуфузли, кундалик ўқишли ва жасоратли нашрлардан деб биламан. Меҳнаткаш халқимиз бу газеталар орқали ўзлигини танимоқда, юртимизда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳадаги янгиликлар билан танишиб бораётганлиги эса қувонарлидир.

1999 йилда ҳам бу газеталар билан ҳамкорлик қилиш ниятимиз устувор. Чунки «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси хорижий давлатларнинг янги техника ва технологияларини саноат корхоналарига жалб этиш бўйича АҚШ, Франция, Олмония, Англия, Исроил сингари давлатлар билан иш олиб бораётир. Албатта, бу борада ҳам газета бизга ёрдам бера олади.

Уюшмамизга қарашли 46 ҳиссадорлик жамиятлари бўлиб, уларда 14,5 минг ишчи ва хизматчи фаолият кўрсатишади. Ўйлайманки, бизга яқин ҳамкор бўлаётган «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори»га 1999 йил учун ҳам ташкилотларимизнинг барчасида уюшқоқлик билан обуна бўладилар. Шахсан менинг ўзим эса, бу газеталарга аллақачон обуна бўлиб қўйганман.

Газеталар таҳририятидан эса, яна бир илтимосимиз бор: 1999 йилда ушбу газеталарда республика саноат, қишлоқ хўжалик тармоқлари ва ишбилармонларнинг чет эл инвесторлари билан олиб бораётган ишлари ҳақида кенгайтирилган мақолалар бериб борилса яхши бўларди.

Ачинарли ҳолат

сўхта газета-журналларга муносабат ҳақида

Нега бугунга келиб мамлакатимиздаги катта-катта нашрлардан «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Туркистон», «Инсон ва қонун», «Маърифат» сингари газеталар беш-ўн минг, нари борса йиғирма-ўттиз минг нусхадан ошмаётир. Хўш бунга сабаб нима?

Бунга газета ва газетачилар айбдорми? Ёки ҳозир одамларда газета-журнал ўқишга нисбатан ҳафсаласизлик, лоқайдлик касали пайдо бўлганми?..

Биз бу саволга жавоб топиш мақсадида бир нечта туманларда бўлдик. Зангиота туманида бўлганимизда аввало 1998 йилги жисмоний ва юридик шахсларнинг обунаси билан танишдик. Туман почта бўлимининг обуна ишлари бўйича мутасаддиси Озода Қосимова билан учрашганимизда у киши туман бўйича обуначиларнинг рўйхатини қўлимизга тутқазди. Мана улар: «Ўзбекистон овози» — 163та, «Оила ва жамият» — 135 та, «Тошкент ҳақиқати» — 470 та, «Халқ сўзи» — 210 та, «Тонг юлдузи» — 119 та, «Саодат» — журнали 211 та, «Гулхан» 303 та, «Гулистон» — 6 та, «Муштум» — 16 та.

Кўриб турибсизки, туманда саноқлигина обуначиларнинг борлиги ҳар қандай кишини ажаблантириши табиий. Ваҳоланки, Зангиота туманида 140 мингдан ошиқ аҳоли яшайди. 600 га яқин катта-кичик ташкилотлар, корхоналар мавжуд. 40 дан ортиқ мактабларда минглаб ўқитувчи ва ўқувчилар таълим-тарбия беришиб, илм сирларини ўрганадилар. Агар ҳар бир муассаса раҳбари икки-учтадан газета-журнал олиб ўқиганларида, туман почта бўлимидан тақдим этилган рўйхатга бироз барака кирармиди?!

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

— Бу йилги обуна ишларини жадаллаштираяпмиз, — дейди почта бўлими бошлиғи Хуснидин Эшонов. — Масалан, биргина «Ўзбекистон овози» учун вилоятимизда 8000 нусхага обуна бўлишлиги режалаштирилган. Шу жумладан туманимиз бўйича ҳам 350 та обуна қилдиришни мўлжаллаяпмиз.

Албатта, бу ўтаётган йил обунасига қараганда салкам икки баробар кўп. Лекин бу ҳам оз-да. Нима, тумандаги икки-уч ташкилот раҳбари газетани алмашиб ўқишадими? Уларда ишлаётган юзлаб фуқаролар-чи?..

Айтишларича, Германияда ота-оналар фарзандлари учун ойида 30 та китоб сотиб олишаркан. Туманда 40 дан ошиқ мактаблар бўла туриб 119 тагина «Тонг юлдузи» газетаси, 323 та «Гулхан» ва 448 та «Ғунча» журналларининг обуначилари борлиги ачинарли ҳолдир. Энди ҳар бир газета ва журнал тумандаги нечта болакайга тўғри келишини ўзингиз ҳисоблайверинг. Президентимиз кўп бора айтаётганларидек, онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган эзгу ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Бу йўлда эса газета ва журналларнинг роли нақадар беқиёсдир, деяётганларида улуғ мақсад мужассам-ку! Лекин ҳали ҳам бу гапларнинг мағизига тушунмай иш кўраётган раҳбарлар учрамоқда. Тумандаги нуфузли раҳбарнинг бирига «Ўзбекистон овози»ни олдингизми, ҳали почта келмагандир, деб савол берганимда: «пахта тугасинчи... кейин ўқирмиз» деганича бошқа сўз айтолмади...

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Москвадан олтин медаль билан қайтишди

Яқинда Москвада «Гурман — 98» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда «Андижон дурдонаси» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасининг ҳам ўз маҳсулотлари — ўрик, шафтоли ва олхўри шарбатлари билан иштирок этдилар. Қувонарлиси шуки, улар маҳсулоти олтин медаль билан тақдирланди.

Қўшма корхона ишга тушгандан бери Андижон заминида етиштирилган мевалардан бир ярим миллион литр шарбат тайёрланди. Маҳсулотлар чиройли халтачаларга жойланиб, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонга жўнатилмоқда.

Дарвоқе, Андижон консервачилари ҳозир келгуси йилнинг январь ойида Берлинда бўладиган «Халқаро яшил ҳафта» ярмаркасига тайёргарлик кўришмоқда.

Хорижникидан қолишмайди

Қишлоққа саноатни олиб кириш, иш жараёнини маҳаллий ёшлар билан таъминлашда Сурхондарёда ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Денов туманида франциялик ҳамкорлар билан спирт, шакар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш заводи қурилмоқда. «Парвоз» сода ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида эса ширинликларни қадоқлайдиган цех ишлаб турибди. Олмониядан 60 минг долларга келтирилган бу дастгоҳ ёрдамида хорижникидан қолишмайдиган 75 граммли қадоқланган бежирим ва сифатли асал чиқарилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Миллат буюклари

Муқаддас сиймолар силсиласи

Ўзбек халқининг маънавий мероси кўп асрлик бой ва сермазмун тарихга эга эканлиги археологик материалларда ҳам, ёзма меросда ҳам етарлича ўз аксини топган. Бугунги мустақил тараққиёт шароитида янги жамият қуришда фаол куч саналмиш ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол тарбиялашнинг асосий омилларидан бири, уларни маънавиятимиз дурдоналаридан баҳраманд этиб боришдир. Ана шу долзарб вазифани амалга оширишда маънавий меросимизни манбалар асосида чуқур ўрганиб бориш лозим бўлади.

Улкан маънавий меросимизнинг бир қисми тарихимизда из қолдирган кўплаб буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолиятида мужассамдир. Бунга мисол қилиб Хожа Аҳрори Валий ва у кишининг аждод ва авлодларидан айрим шахсларни кўрсатиш мумкин. Улардан бири Шайх Хованд Таҳурдир.

Бу киши ушбу хонадон шажарасида Хожа Аҳрори Валийнинг она томондан бобокалонлари бўладилар. Кетма-кет санаб ўтадиган бўлсак: Хожа Аҳрор, у кишининг она томонидан боболари Хожа Довуд, у кишининг отаси Шайх Хованд Таҳурдир.

Шайх Хованд Таҳурнинг оталари Шайх Умар Боғистоний Тошкент вилоятининг Боғистон қишлоғида яшаган таниқли машойихлардан бўлганлар; у кишининг оталари Шайх Ҳасан Парранда ҳам шу ерда истиқомат қилганлар. Умуман, оланда, Шайх Хованд Таҳурнинг ота томондан насаблари ўн етти бўғин билан Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Хаттобга етиб боради. Она томондан эса, Термиз саййидларидан машҳур олим Хожа Абдулҳаким Термизий авлодларига мансубдирлар.

Сўз дебочасини Шайх Умар Боғистоний ҳаёти шарҳидан бошласак. У кишининг ҳаёт йиллари XIII-XIV асрларга тўғри келади; дастлабки илм сабоқларини ўз оталари Шайх Ҳасан Парландадан олганлар, сўнгра билимларини мукаммалаштириш нияти билан Бухоройи Шарифга бориб, у ердаги мадрасалардан бирида маълум муддат ўқиганлар. Умар Боғистоний Бухорода илм ўрганиш билан бир қаторда, ўша даврнинг машҳур шайхларидан саналмиш Шайх Ҳасан Булғорийнинг суҳбатларидан ҳам баҳра топади. Бу Шайхнинг тўла исми Шайх Ҳасан Восилий, дастлаб Нахчивонда яшаган; йигирма ёшида асирликка тушиб Дашти Қипчоққа олиб кетилади. Шундан сўнг унинг саргузаштли ҳаёти бошланади: тўққиз йил Булғорда (ҳозирги Волгабўйи), уч йил Бухорода, йигирма етти йил Кермонда, бир йил Табризнинг Марағасида умр кечиради; 1208 йили вафот этган. Ҳасан Восилийнинг қабри Табриз яқинидаги Сурхоб қишлоғидадир.

Маълум бўладики, Шайх Умар Боғистоний уч йил давомида Бухорода Шайх Ҳасан Восилийдан ҳам илм бобида, кўпроқ тасаввуфга оид илмлардан сабоқ олган. Шайх Ҳасан Восилийнинг тасаввуфдаги йўналиши эса, ўз навбатида Шайх Абдулқасб Суҳравардий, Шайх Аҳмад Ғаззолий, Шайх Абулқосим Гургонийларнинг таълимотлари асосида шаклланган эди.

Шайх Умар Боғистоний Бухорода илм ўрганиб, яна ўз она қишлоғи Боғистонга қайтиб келади ва шу ерда муқим яшаб қолади. Унинг ҳаёт тарзи жуда оддий бўлган, деҳқончилик ва боғдорчилик билан кун кечирган, вафотларидан сўнг шу қишлоқда дафн этилганлар. У кишининг қабрлари ҳозирги вақтда Боғистон қишлоғининг ғарбий чеккасида, шинамгина бир боғнинг тўрида жойлашган; ўзига хос зиёратгоҳдир.

Хожа Аҳрорнинг Шайх Умар Боғистоний ҳақидаги эсдаликларидан бирида ёзилишича, Умар Боғистоний ўғиллари Хованд Таҳурга: «Мулло бўлма, сўфи бўлма, бу бўлма, у бўлма, мусулмон бўл», деб насиҳат қилганлар. Яна бир мисол.

Бир киши узоқ йўлдан Шайх Умар Боғистонийнинг ҳузурига йўл-йўриқ (тариқа) ўрганиш учун келибди. Шайх ундан:

— Сен яшаган жойда масжид борми? — деб сўрабди. У киши:

— Ҳа, бор, — деб жавоб қилибди. Шайх унга:

— Мусулмончилик аҳкомини биласанми? — деб савол берибди. У киши:

— Ҳа, биламан, — деб жавоб берибди.

Шунда Шайх Умар унга:

— Бу ерга бекорга келибсан: модомики ибодат аҳкома ва ибодат жойи аниқ экан зудликда изингга қайт ва ибодат ила машғул бўлгил, — деб кўрсатма берибдилар. Мазкур икки ҳикматнинг мазмуни шуки, диёнатли, ҳалол кишигина мусулмон бўлиши мумкин. Мусулмон учун Оллоҳнинг ягоналиги, Муҳаммад пайғамбаримизнинг унинг расули эканлигини тан олиб, яшаб турган жойида эътиқод билан машғул бўлса, бас, шунинг ўзи етарлидир.

Шайх Хованд Таҳур илм бобидаги биринчи таълимни оталари Шайх Умар Боғистонийдан олганлар. Сўнгра Тошкентга келиб, яшаганлар, Хожа Аҳмад Яссавий тариқатига мансуб машойихлардан тасаввуф бобида сабоқ ўрганганлар. Ундан Бухорога ўтиб, у ерда ҳам ўз билимларини бойитганлар. Шайх Хованд Таҳур зоҳирий ва ботиний илмларни яхши эгаллаб, тасаввуфга оид асарлар ёзганлар, маърифат бобида шеърлар битганлар. Умрларининг кўп қисмини Тошкент шаҳрида ўтказиб, шу ерда вафот этганлар. Қабрлари устига мақбара барпо этилган, дастлаб XV асрда, сўнгра XIX асрда қайта тикланган эди. Ўша кезларда мақбаранинг шимол томонида Шайхонтаҳур ариғи оқар ва сув бўйида беш юз йиллик бир туп катта чинор ҳам бўлган экан.

Ана шу мақбара туфайли Шайх Хованд Таҳурнинг исмларидан жой номи вужудга келди. Тошкент шаҳрининг маъмурий таркиби XVIII асрда тўртта ҳокимликни ўз ичига олиб, тарихда «чорҳокимлик» дейиларди, яъни шаҳар тўрт даҳадан ташкил топган, Шайхонтаҳур, Имом Каффоли Шоший, Занги Ота, Шайх Зайниддин. Уларнинг ичида Шайхонтаҳур даҳаси майдони жиҳатидан энг каттаси бўлган. Ушбу тарихий номнинг мазмун моҳияти бугунги кунда ҳам сақланган ва шаҳарнинг ана шу қисми Шайхонтаҳур тумани деб аталади.

Кейинги асрларда, жумладан, XIX асрда ҳам Тошкентда Шайх Хованд Таҳурнинг авлодларидан бор эди. Улардан бири машҳур тарихчи Муҳаммад Солиҳхўжа домла Раҳим Қорахўжа ўғли бўлиб, у Тошкент тарихига бағишлаб ёзилган «Тарихи жадиддайи Тошкент» номли йирик тарихий асарнинг муаллифидир. Ушбу асарда муаллиф ўз таржимаи ҳолини ва ота-боболари ҳақида ёзаркан, насаби ота томондан Шайх Хованд Таҳурга бориб уланишини таъкидлаб ўтади.

Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкентда туғилиб, дастлаб мазкур шаҳардаги мадрасаларда, сўнгра Бухорода таҳсил олган. У ердан она шаҳри Тошкентга қайтиб Қиёт маҳалласидаги Бекмуҳаммадбий масжидида имомлик қилган ва айни пайтда талабаларга дарс бериб таълим-тарбия ишлари билан ҳам шуғулланган. Тарих ва тарихий асарлар билан қизиқиши туфайли, ўзи ҳам Тошкент тарихига оид бир китоб ёзган. Унда шаҳарнинг қадимги тарихи ҳақида тўлиқ маълумотдан сўнг, муаллиф ўз даври кечинмаларига тўхталади, шаҳарнинг қўрғони, дарвозалари, маҳалла, мадраса, масжид ва ҳоказолари ҳақида ҳам маълумот беради. Айниқса, Тошкентнинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши воқеаларини, ўзи шаҳар мудофаасида бевосита иштирок этганлиги сабабли, анча батафсил шарҳлаган. Бу асарнинг муаллиф дастхатидан иборат нодир нусхаси ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда.

Юқорида, Шайх Хованд Таҳур тарихи орқали маънавий меросимиздан арзигулик ўрин олган бир хонадон тарихига қисқача тўхталиб ўтдик. Кўриниб турибдики, маънавиятимизнинг қирралари хилма-хил ва ёзма манбалар асосида чуқур ўрганиб бориш жамиятда баркамол шахсни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Омонулла БЎРИЕВ,
тарих фанлари номзоди

Тадбиркор элни боқар

Кимки ернинг умрини зое ўтказмаса, ер ҳам уни бенасиб қўймайди. Тер тўкканга, ер тўкади, деб бобомиз Амир Темур жуда пурҳикмат сўзларни айтган. Тошкент туманининг «Тошкент» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам ғалладан бўшаган майдонларнинг бир қисмини пешма-пеш шудгор қилиб аҳолига сабзавот маҳсулотлари экиб олишлари учун бўлиб берган эди. Натижа ёмон бўлмади. Сабзи, шолғом, ловия, картошка сингари экинлардан яхшигина ҳосил кўтарилди. Натижада деҳқоннинг фаровонлиги ошадиган, хўжаликнинг иқтисоди бақувватлашадиган, ўз навбатида шаҳарликларнинг ҳам дастурхонидаги маҳсулотлар нархи арзонлашишига харна ҳисса қўшиладиган бўлди. Айрим тажрибали деҳқонларнинг кафолат беришича, хўжаликда ерлардан уч-тўрт марта ҳам ҳосил олинар экан. Шуни айтсалар керакда, тадбиркорлар элни боқар, деб.

— Уруғлик муаммоси кейинги кезларда барча деҳқонларни бироз қийнаб қўйди, — дейди «Тошкент» жамоа хўжалиги раиси Муҳаммаджон Усмонов. — Шу боисдан деҳқонларимиздаги тажриба, еримиздаги мавжуд имкониятлар чегараланиб қолмоқда. Негадир, уруғликни сертификати билан бера оладиган махсус хўжаликлар, илмий муассасалар йўқолиб кетгандек. Айни кезда деҳқонларимиз таваккалчиликка асосланган ҳолда иш кўрмоқдалар. Агар бу борадаги ишлар юқоридаги айтган тартибга келтирилса, деҳқонларимиз бугунгиданда кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришига аминман.

Йил бошида эртаги 25 тонна картошка уруғлигини 625 минг сўмга нархлаб, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясига қарашли «Тадбиркор — Ишонч» фирмасидан олган эдик. Ачинарлиси уларнинг эртаги деб сотган картошка уруғлиги кечки бўлиб чиқди. Натижада камида 90 тонна картошка олишимиз мумкин бўлган жойдан гектаридан 4 тоннадангина ҳосил етиштирдик. Бошқача айтганда сарфланган уруғликни олдик, холос. Қилинган меҳнатга, қанчадан-қанча харажатларга қуйиб қолинди. Қарангки, фирма хўжаликни судга ҳам берибди. Ўз навбатида биз ҳам судга мурожаат қилган эдик, суд барча зараримизни фирмадан ундириб берадиган бўлди. Хуллас, уруғликка эътибор қаратмай туриб мақсадга эришиш жуда-жуда қийин. Яхшиямки, чўпни суқса кўкарадиган тупроғимиз, меҳнаткаш тадбиркор деҳқонларимиз бор!

Ўтаётган йилда 280 гектар ерга буғдой уруғини қадаб, ўртача 40 центнердан ошириб ҳосил олинди. 13 миллион сўмга яқин даромад қилинди. Бундан ташқари хўжалигимизнинг 360 аъзосининг ҳар бирига 100 килограммдан буғдой тарқатилди.

Халқимизга қулай шароит яратиб беришга катта эътибор беряпмиз. Чунки, хўжалигимиз ҳудудидаги 3 та маҳаллада 10 мингдан ошиқ аҳоли яшайди. Иккита ўрта мактаб, учта болалар боғчаси, иккита даволаш маскани, битта марказий стадион, маиший хизмат уйлари улар хизматида. Шунингдек, оила йилида етти километрлик газ қувурлари ётқизилиб, икки километрлик электр симлари тортилди, 58 хонадонга эса янги уй-жой қуриш учун ер бердик.

Ҳақиқатдан ҳам «Тошкент» жамоа хўжалигида олиб борилаётган барча ишларда эртанги кун умиди сезилиб турибди. Тадбиркорлик орқасидан барча жамоа аҳли фаровон яшашга интилмоқда. Деҳқон ҳам бугун тадбиркор. Бугун у юқоридан келадиган талабни бажариш эмас, ўз иқтидори, ота-боболари амал қилган ақида асосида иш кўрмоқда. Барча ишларда жамоага салкам 15 йил раҳбарлик қилаётган Муҳаммаджон Усмонов бош-қош. Муҳими у жамоа аҳлининг ҳар бирини фарзандларидек, ризқ-рўз бераётган далаларни эса беш бармоғидек билади. У билан суҳбатлашиб қайтар эканман, йилда иккиуч марта раҳбари ўзгараётган, оқибатда қолоқлик ботқоғига ботиб бораётган хўжаликлар ушбу хўжалик иш тутумидан ўргансалар деган ўй келди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хатлар, хатлар, хатлар

Газетхон...

...танқид қилади

Кўприкни ким қуради?

Пайариқ туманининг «Халқобод» ижара хўжалигига қарашли Янгиобод, Бектўпи, Қўшилиш ва Улфатон каби катта-кичик қишлоқларида қарийб мингга яқин оила истиқомат қилади. Улар ҳар кунги турмуш ташвишлари билан банд. Қишлоқ аҳли ўз юмушлари билан хўжалик, туман ва вилоят марказларига бориш учун қўшни Гарашасойдан ўтиши лозим. Бу сой баҳор ва қиш фаслларида тоғ дараларидан келадиган селдан тошиб, қирғоқларни бузиб оқади.

Шу йил баҳорда ҳам шундай бўлди. Ҳатто фожеа юз берди. Сойга қурилган кўприкни жала олиб кетганлиги натижасида машинани четга бурган уч киши лойқа сувга чўкиб ҳаётдан эрта кўз юмдилар. Фожеадан кейин нари-бери тузатилган кўприкни саратондаги сел яна бузиб кетди. Мана, қарийб тўққиз ойдирки кўприкни тузатиш на хўжалик, на туман раҳбарлари хаёлларига келади...

Ана-мана дегунча қиличини қайраб қиш келади. Ёғингарчилик бошланади. Табиийки ўз-ўзидан сойда сув кўпаяди. На табиий гази, на табиий ичимлик суви бўлган тоғлик кишиларнинг ташвишлари минг чандон ошади. Шунда сойдан ўтишнинг иложи қандай бўларкан?!

Қўшни Фориш туманига қарашли Гараша қишлоғининг кўпминг кишилик аҳолиси ҳам худди шу кўприкдан фойдаланадилар. Тўғри ҳозирги пайтда анча «ўтириб» қолган хўжаликда кўприкни қуриш учун маблағ топилиши даргумон. Аммо наҳотки, ҳашар йўли билан бўлса-да кўприкни тузатишнинг иложи бўлмаса?

Қишлоқ аҳли номидан:
Абдулла МАМАСОДИҚОВ,
Ҳусан РУСТАМОВ

... нажот кутади

Айбдорга жазо борми?

... Шу йил 27 август куни қизим Мавлуда Ҳамроева ўз жонига қасд қилди. Икки нафар фарзанди — саккиз яшар Гулчеҳра ва олти ёшли Исломжон етим қолдилар. Марҳум қизимизни шу кўйга солган шахс — куёвимиз Ваҳоб Одилов бўлади. У сўнгги пайтда қизимизни ниҳоятда таҳқирлаган, урган, ҳақоратлаган, оиласига хиёнат қилиб, Назира исмли аёл билан ошкора юраверган. Ниҳоят, жонидан тўйган қизимиз хат ёзиб қолдиргану...

Қизимнинг ўлими юзасидан Каттақўрғон шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди. Бироқ, нечундир терговчи Сурьат Одилов терговни тўхтатди. Сабабини суриштирсам, мендек бағри қуйган отани лоақал юпатиш ё аниқ жавобини бериш ўрнига ҳақорат қилиб кабинетидан ҳайдади. Терговчи Сурьат Одилов собиқ куёвимиз Ваҳоб Одилов билан нималарни келишиб олганлиги менга қоронғу...

Бир ёш она жонига қасд қилишгача боради-ю, унинг заминида ётган жиноят ими-жимида «ёпилиб» кетавермаса керак. Қонун ҳимоячиси ҳисобланган терговчи Сурьат Одилов ўйлаганидек ҳамма иш босди-босди бўлиб кетмас. Бундай пайт адолат тантана қилиши йўлида «Ўзбекистон овози» дек сўзи ўткир газетанинг мадади бўлса бас, дея нажот кутаман.

Изатулло ҲАМРОЕВ,
Каттақўрғон шаҳар, Фитрат кўчаси, 11-уй.

... таклиф этади

Обунанинг қулай усули

Кўпга келган тўй, деган нақл бор. Газеталар бугунги кунда қанчалик машаққат билан чиқарилаётганидан бохабармиз. Асосий гап — газеталарнинг нарху-навосида. Очиқ айтиш керак, мамлакатимизнинг етакчи нашрларидан бири саналмиш «Ўзбекистон овози»нинг ҳар бир сонини ўқиб бормаган зиёли, айниқса, ўқитувчи кўп нарса ютқазади. Унга обуна бўлишга эса... чўнтак қийналади. (Ахир, соҳага оид ва бошқа газета-журналларга ҳам обуна бўлиш зарур-да!) Фақат кутубхонага кўз тикиб ўтириш мақбул эмас. Сир эмаски, қишлоқ кутубхоналаридаги газета тахламлари ҳамиша ҳам тўла-тўкис бўлавермайди.

Шундай экан, обунанинг қулай усулини топиш керак. Масалан, бизнинг мактаб жамоаси келишган ҳолда ўз ҳисобимиздан маблағ тўплаб, энг муҳим газеталарга, жумладан, «Ўзбекистон овози»га ҳам обуна бўламиз. Бир кишининг исмига аниқ обуна бўлингач, газетанинг ҳар бир сони албатта қўлга тегади ва уни навбати билан мутолаа қиламиз. Ҳамма ўқиб бўлгач, маърифат хонасига тахлам қилиб қўйсак бўлаверади. Қарабсизки, йил давомида «Ўзбекистон овози» ва бошқа муҳим газеталар доимий ҳамроҳимиз бўлаверади.

Агар ҳар бир мактабда шундай қилинса (мамлакатимиз бўйича қанча мактаб ва бошқа ўқув юртлари бор!) севимли газеталаримиз адади ҳам янада салмоқли бўлиши турган гап. Муҳими, газеталаримизнинг маърифат нуридан мудом баҳраманд бўлаверамиз.

Ўктам УСМОНОВ,
Иштихон туманидаги 7-ўрта мактаб директори.

... мулоҳаза юритади

Қадр топган қадрият

Собиқ шўролар даврида инсон қадри ҳақида кўп гапирилди-ю, аммо қадр-қимматимиз хўб ерга урилди. Тоғгина ҳовлида уч-тўрт оила яшардик-у, янги иморат қуриш учун бир парча ер ололмасдик. Ёлғончининг «эртаси» келмагандек — «эрта-индин генплан асосида уйлар қурилармиш» деган пуч ёнғоқдек ваъдаларга кўз тикиб яшардик. Қишда лой, ёзда чанг кўчалардан юриш — гўр азоби эди. Қишлоқ дўконига ун, ёғ, шакар келиб қолгудек бўлса, урйиқитдан ёқавайрон бўлардик. Зарур моллар «камёб» ҳисобланар ва асосан чайқовчилар қўлида бўларди. Ўғил-қизинг ўқийман деса, таниш-билишчиликсиз, тузукроқ жойда ишлайман деса, порахўрлик балосидан хуноб бўлардинг. Аммо, «Ҳаққоний совет матбуоти» ҳамма-ҳаммасини бўяб-бежаб ёзаверарди... Ҳақиқатни гапирсанг қандайдир «халқ душмани»га чиқиб қолардинг...

Баъзи тарих ўқитувчилари «янги дарслик топишга қийналиб» қолишгани ҳақида гапирадилар. Ахир, қисқа муддатда юз берган улкан тарихий воқеаларни таққослаб гапириш, бу ҳақда мамлакатимиз нашрларида ёритилаётган ҳаққоний мақолалардан хулоса чиқариш унча мушкул бўлмаса керак.

Истиқлол туфайли ўнлаб қадриятларимиз қадр топди. Тилимиз, динимиз, миллий урф-одатларимиз тикланди. Халққа нафақат маънавий, балки беҳисоб моддий рўшноликлар ҳам кўрсатилаётир. Бугун ҳар бир қишлоқ оиласи ўн-ўн беш сотихлаб ерга (ҳовли-иморат қуриш учун) эга бўлаётир. Қишлоқларда ҳам исталганча тадбиркорлик, ишбилармонлик, деҳқончилик билан шуғулланиш, алалхусус, бой-бадавлат яшаш мумкин. Бунинг учун фақат ўзимиз онгли равишда ҳаракат қилмоғимиз, қонунларни қалбга жо этишимиз, кекса ва тажрибали боболардан ҳақиқий меҳнат сирларини ўзлаштиришимиз, жаҳондаги илғор тажрибаларни эгаллашимиз ҳамда ўз навбатида фарзандларимизга ҳам ўргатишимиз лозим.

Норўйгит АБДУЖАББОРОВ,
Челак туманидаги «Самарқанд» жамоа хўжалиги аъзоси.

Самарқандлик газетхонлар хатларини «Ўзбекистон овози» мухбири Лутфулла МАМАСОЛИЕВ саралади.

Биринчилардан бўлди

Пахта—98

КОСОН. Туман пахтакорлари давлатга 54 минг тонна пахта етказиб бериб, йиллик режани ошириб адо этдилар. Бир қанча хўжаликларда ҳосилдорлик 31-33 центнерга етди. Косонликлар ялпи хирмонни 60 минг тонна етказишмоқчи.

ҒИЖДУВОН. Эл хирмонига 41 минг 550 тонна «оқ олтин» етказиб берган ғиждувонликлар ҳосилдорликни гектар бошига 34 центнерга етказдилар. Миришкорлар давлатга яна 5 минг тонна ҳосил етказиб беришмоқчи.

ҚИЗИЛТЕПА. Туман пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани уддалашди. Давлат хирмонига 27 минг 200 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик ўртача 27 центнерни ташкил этди.

БУХОРО. Ҳосилдорликни гектар бошига 31,2 центнерга етказган туман пахтакорлари давлат хазинасига 39660 тонна пахта топшириб, маррага етишди. «Маданият», Усмон Юсупов номли, «Марказий Осиё», «Чорбакир» жамоа хўжаликлари ҳосилдорликни 35-42 центнерга етказдилар.

ЗАРБДОР. Туман деҳқон-фермер хўжаликлари деҳқонлари ҳам зафар қучишди. 6 минг 700 гектарли майдонда пахта етиштириб, хирмонга 15,5 минг тонналик «оқ олтин» уйдилар. Улар яна қўшимча 4 минг тонна пахта топширишмоқчи.

ФАРҒОНА. Водийда биринчи бўлиб маррага етган туман деҳқонлари қабул пунктларига 19 минг 200 тоннадан кўпроқ саноат хомашёси етказиб беришди. Бу муваффақиятга «Фарғона», «Янги ҳаёт», «Оқ олтин» ва А.Навоий номли хўжаликлар муносиб ҳисса қўшдилар.

ОЛТИНКЎЛ. Жами 19 минг 800 тонналик хирмон уйган туман миришкорлари ҳосилдорликни 30,8 центнерга етказишди. «Намуна», «Тошкент», «Оқ тепа», «Ҳақиқат», Ш.Рашидов, М.Ризаев номли жамоа хўжаликларида юқори ҳосил кўтарилди. Деҳқонлар ҳосилдорликни 37 центнерга етказишга аҳд қилишган.

САРИОСИЁ. Ўз сўзининг устидан чиққан туман пахтакорлари 16 минг 700 тонналик хирмон уйиб, ҳосилдорликни 32,1 центнерга етказиб, вилоятда биринчилар қатори маррага етишди.

ШАҲРИХОН. Давлатга 26 минг 180 тоннадан зиёд хомашё топширган туман деҳқонлари ҳам режани уддалашди. Ҳосилдорлик ўртача 32 центнерни ташкил этди. Шаҳрихонликлар яна 5 минг тонна пахта топшириб ҳосилдорликни 38 центнерга етказишмоқчи.

НАМАНГАН. Вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани бажарган Наманган тумани пахтакорлари давлат хирмонига 22 минг 600 тонна пахта топшириб ҳосилдорликни гектар бошига 32,2 центнердан бўлишига эришдилар. Туман миришкорлари яна 1600 тонна пахта топширишга аҳд қилишган.

Шаҳрихон туманидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалигининг 3-бригада теримчиси Ҳимоятхон Жўраева.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

(Ўз мухбирларимиздан)

Омон полвон ва полвон корхона

Полвонлар билан суҳбатлашсангиз, қандайдир бир куч вужудингизга қўйилгандек бўлади. Юракдан гапирадиган, самимият билан сўзлайдиган суҳбатдошингизга қараб қувонасиз.

Сурхондарёда Омон полвон Бекназаровни кўпчилик билади. Келбати полвонлигининг исботи. Тўғриси, бир қарашда уни анча қўрс, такаллуфсиз киши деб ўйлаш мумкин. Очиғи, шундай ўйлаганда бироз янглишмайсиз. Полвонлар такаллуфни кўпам эплай олишмайди. Дангалчи бўлишади. Шиддат билан гапиради. Эзмаликдан бегона. Қисқа ва лўнда сўзлайдилар. Аммо... юракдан суҳбатлашганда дарёдек тошади. Кўнгилдагини «ямаб-чирмаб» ўтирмай, самимият-ла гапираверади...

Омон полвон шоирона қалби бор одам. Боболари элнинг машҳур полвони бўлган, ўзининг ҳам кураги ер искамаган.

Омон Бекназаров — бугунги кунда катта жамоанинг раҳбари. Кучини, билимини меҳнатда кўрсатаётган эл фидоийси.

Шароф Рашидов номли «Шўрчи дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти Сурхондарёдаги иқтисодий бақувват корхоналардан бири. Халқимизни ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлашда ибратли натижаларга эришаётган ана шу ҳиссадорлик жамиятига ҳозирда Омон Бекназаров бошчилик қилади. Омон Бекназаровга гапдан кўра ишни кўпроқ билишини исбот этиш учун кўп вақт керак бўлмади. Завод уч ой ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Аввало тўлиқ замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Сўнг бутунлай таъмирланди. Очиғи, кейинги йилларда корхонанинг умумий иш кўрсатиш суръати тушиб кетган, тўлиқ реконструкция қилишга эҳтиёж сезилиб қолганди.

1997 йил 28 августда корхонага раҳбар этиб тайинланганда, жамоадан кўпчилик ишдан кетган экан. Корхона жуда кам қувват билан — 2-3 та тегирмон ишлаб турганди. Омон ака ишни уч сменада ташкил этди. Кеча-кундузи қизғин иш кетди. Мингга яқин одам ишлади. 43 та янги тегирмон ускуналари олиб келиб ўрнатилди.

Янги замон одами

«Бекназаров уйини ҳам унутдими», деб одамлар ҳазил-чин гапиришди. Кеча-кундуз билан заводдан кетмади. Ҳаловатни йўқотмаса, елиб-югурмаса бир иш қилиб бўлмайди. Заводни тикламаса бўлмасди.

Бекназаров чиндан тадбиркор раҳбар чиқиб қолди. Корхона ҳар ойда 230-240 тонна ун ишлаб чиқара бошлади. Яна қанақа ун денг: биринчи нав унни кўрсангиз, худди олий навли дейсиз! Заводнинг иқтисодий қуввати ошди. Мулкка эгалик ҳисси қуруқ гапда эмас, амалиётда натижа бера бошлади. Дейлик, бугунги кунда корхона акцияларига харидор кўплигини олайлик. Лекин ҳеч ким ўз акциясини бошқа бировга сотмоқчи эмас. Чунки жамият ҳар йили ҳиссадорларга жаракжарак дивидент тўлаяпти. Масалан, ўтган йили 1 сўмига 67 тийиндан дивидент тўланган бўлса, бу йил 1 сўмига 1 сўмдан кўпроқ дивидент тўланиши аниқ бўлиб турибди.

Ишлаб чиқариш натижаси — агар ўтган йили 57 минг тонна ун ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил 9 ой ичида 60 минг тоннага яқин ун ишлаб чиқарилди.

— Қаерда иш жойига қўйилмаса, унда меҳнат қиладиганларга моддий манфаатдорлик бўлмаса, ўша ерда тартиб-интизом бўш бўлади, ўғирлик, талон-тарожликка йўл қўйилади. Ана шунга йўл қўйилдими, ўша жойнинг раҳбари ўз ишини эплолмаётган бўлади, — дейди Омон Бекназаров. — Худога шукрки, жамоамизда бундай эмас. Ҳамма ўз ишини билади ва ана шу корхонадан топаётган даромади рўзғорини бекаму-кўст тебратишга етяпти.

Бугунги раҳбар қандай одам бўлиши лозим? У қандай ишлаши лозим?

Бу борада Омон Бекназаров шундай дейди:

— Агар раҳбар элини, юртини севиб яшамаса, Президентнинг ёниб-куйиб сўзлашларидан ўзига хулоса қилмаса, у раҳбар эмас. Раҳбар ҳеч қачон меҳнатга қул бўлмаслиги керак. Меҳнатни енгиш мумкин. Кимники меҳнат енгиб қўйса, яхшиси... дам олиши лозим. Қачонки, Президентимиз бизга ишониб вазифа бердими, уни оқлашимиз шарт. Ундан кейин ор-номус учун ҳам ишлаш керак. Ахир, эскиларнинг бир гапи бор. «Ор-номуси йўқ йигитдан кўчада ётган тепа яхши». Яна бир гап: ҳақиқий йигит бойликнинг кетидан қувмаслиги керак. Бойлик йигитнинг кетидан қувсин!

Ҳа, Омон Бекназаров «Шўрчи дон маҳсулотлари»нинг иқтисодий салоҳиятини оширди. Шу билан биргаликда катта бир жамоада ишлаб обрў-эътибор қозонмоқда. Корхонада қўшимча иш ташкил этиш ҳам яхши. Жумладан, ёрдамчи хўжаликлар, тикувчилик цехи, комбикорма ишлаб чиқарадиган цехлар ҳам ишлаб турибди.

— Мой ишлаб чиқарадиган замонавий асбоб-ускуналарни келтириб ўрнатмоқчимиз. Бу иш ҳам ҳал бўлиб қолди, — дейди О. Бекназаров.

«Шўрчи дон маҳсулотлари» жуда кўп хайрли тадбирларнинг ҳомийси. Айниқса, спорт соҳасида. «Шўрчи» футбол жамоасининг бош ҳомийси ҳам ана шу корхона бўлади.

Корхонада маданий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Жамоада 1999 йил учун «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталарига 500 киши обуна бўлади.

Эл учун хизмат қилмоқ бахт. Одам чўпон бўлса ҳам ўз юрти, Ватани учун меҳнат қилиши керак, дейди Омон ака.

Бу гаплар кимлар учундир сал баландпарвоз туюлиши ҳам мумкин. Лекин Омон Бекназаров бақувват ва катта қўлларини қарсиллатиб урганча шундай дейди: «Йигитнинг бахти меҳнатида. Ҳалол меҳнат эса йигитнинг тожидир. Ватанни, Президентни чин юракдан севиб яшаш бахтини берсин. Ана шу бахтга эришган йигит тақдирига минг шукур қилсин».



Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Халқ донишмандлиги кўзгуси

Миллат ва маънавият

Ўзбек фольклоршунослигидан маълумки, «Алпомиш» достонининг ўттиздан ортиқ варианти ёзиб олинган. Улар орасидаги энг мукаммал варианти 1928 йили Булунғур достончилиги мактаби вакили, истеъдодли халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олиниб, шоир Ҳамид Олимжон томонидан нашрга тайёрланган. Мана шу биргина вариантда ҳозирги ўзбек халқи деб, дунёга танилган миллатнинг этномаданиятидан тортиб, миллий мафкураси, дунё тўғрисидаги маърифий қарашлари, турли эътиқодий тушунчалари ва энг асосийси, Истиқлолга эришган Ватан келажагига хизмат қилувчи маънавий қадриятлар ўрин олгандир.

«Алпомиш» достони халқ турмуш тарзининг у ёки бу томонларини ҳақиқий ҳаётий нуқтаи назардан тасвирлаши билан бошқа достонлардан ажралиб туради. Бинобарин, достон сюжети воқеалари таркибидан ўзбек халқи учун типик аҳамиятга эга бўлган ва ҳозирги кунларга қадар сақланган турли урф-одатлар, удумлар, ирим ва анъаналар ўз аксини топган. Эпос қаҳрамонлари нутқи, улар қўллаган сўз ва иборалар, қариндош-уруғчилик муносабатларини англатувчи атамалар, халқ миллий саньатига хос ўланлар, айтишувлар, қайроқи сўз ва пурҳикмат маънога эга жумлалар кўплаб қўлланиладики, улар замонавий лингвистика, этнография ва маданиятшунослик каби фанлар учун муҳим материал бўлиб хизмат қилади.

«Алпомиш» достонининг кўпгина туркумлари бошқа туркий халқлар оғзаки ижодида мавжуд эканлигини эътироф этган ҳолда, яна айтиш керакки, булар орасидаги энг мукаммал, муайян халқнинг ҳозирга қадар давом этиб келаётган этномаданияти анъаналарини миридан-сиригача тасвирлайдиган варианти ўзбек Булунғур достончилик мактаби вакили томонидан куйланган, ҳозирги кунда ҳам Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида фаолият кўрсатаётган халқ бахшилари Қодир бахши, Шоберди бахши, Чори ва Қори бахши, Азим бахши, Ҳазраткул бахши, Хушвақт бахши, Абдақаҳҳор бахши каби ўнлаб халқ вакиллари «Алпомиш» достонини куйлаб келмоқдалар. Фозил Йўлдош репертуаридаги «Алпомиш» достони бугунги кунларга қадар ўзининг ўқувчиси-тингловчисини ниб қолган эмас. Унинг оғзаки ижод меросида «Гўрўғли» ва унинг авлодлари тақдири билан боғлиқ юзлаб достонлар, шунингдек, халқ севиб ардоқловчи «Рустамхон», «Кунтуғмуш», «Орзигул», «Ширин билан Шакар», «Ошиқ Аҳмад», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» сингари турли мавзуларда йўқотган эмас. Бошқа туркий халқлар фольклорида эса бу достон қачонлардир ижро этилиб, уни куйлаган бахшилар мероси фақат архивлардагина сақланаётибди.

Ўзбек халқи фақат «Алпомиш» эпоси билан чеклади мдан куйлаб келинган достонлар, халқ бахши-шоирлари томонидан фольклор анъаналарига мос яратилган китобий достонлар, диний мавзудаги дидактик достонлар борки, улар орасида ўзбек миллатининг ўтмиши ва бугунги этномаданият тарзини қўтаринки руҳда бадиий ифодалаб турувчи «Алпомиш» эпоси фольклорларимизнинг гултожиси, деса муболаға бўлмайди.

«Алпомиш» эпосида бундан ташқари халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари билан ўзаро боғлиқ қимматли ўринлари мавжуд. Чунончи, достоннинг шаклланиши ва эл орасида машҳур бўлишида халқ эртаклари жанри нақадар катта роль ўйнаганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Чунончи, ўзбек сеҳрли эртакларида асосий қаҳрамон рақиби умумлаштирилган, яъни мавҳум ҳолда тасвирланади. Масалан, «Эржалолжон» номли ўзбек халқ эртаги қаҳрамони оқ, сариқ ва қора девларни енгишида қўллаган тадбир бирор сеҳр ёки шунга монанд восита ёрдамида тасвирланади. Достон қаҳрамони ўз рақибини сеҳр-жоду ёрдамида эмас, балки жисмоний кучи билан енгади. Буни Алпомишнинг қалмоқ полвонлари билан курашуви тасвирида яққол кўрса бўлади. Алпомишга қарама-қарши қўйилган қалмоқ полвонлари 90 қўйнинг терисидан ясалган қалпоқ, овқат ичадиган косаси сарҳовуздан ҳам катта қилиб тасвирланишига қарамай, достон қаҳрамонидан енгилади. Кўриниб турибдики, муболаға саньати ёрдамида тасвирланган 90 қўйнинг терисидан тикилган қалпоқ, ҳажми сарҳовуздек косанинг достондаги тасвири эртакка нисбатан реалликка интилишнинг ёркин кўриниши, деса бўлади. Демак, достон ва эртаклардаги фантастика ҳар бирига хос хусусият касб этиб, эртакда абстрактликка интилишда намоён бўлса, достонлар учун бу хусусият нисбатан реалликка томон боришда кўринади.

Достон ва эртаклардаги яна бир ўхшаш матнлардан бири — қаҳрамонга синглиси томонидан от танланиш мотиви. Масалан, «Болтакай ботир» эртаги қаҳрамонининг синглиси Чарвиной акасига от танлаш «Алпомиш»даги от танлашда Қалдирғочнинг ёрдам бериш эпизодига ўхшаб кетишини кўрсатиш мумкин. Бинобарин, ўзбек халқ эртаклари ва достонларида қаҳрамонлар тақдирини улар минадиган отсиз тасаввур қилиб бўлмайди. От ва от танлаш билан мотивнинг замини ҳам олис тарих саҳҳадларига бориб тақалади.

Ғайрат ЖАЛОЛОВ,
Тошкент Давлат маданият институти профессори,
Саид АЛИМОВ,
доцент

Ўзбек олимига турк мукофоти

Туркиядан хушхабар келди. Унда филология фанлари доктори, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти профессори, фан арбоби Малик Муродов турк дунёси ёзувчи ва санъатчилари вақфи томонидан олий мукофот билан тақдирланганлиги қайд қилинган. Ана шу вақфнинг бош раҳбари, ёзувчи, драматург, публицист Яҳё Акинчиннинг таъкидлашича, профессор Малик Муродов атоқли фан, адабиёт, санъат арбобларигагина йилда бир бериладиган олий мукофотга сазовор бўлган.

Дарҳақиқат, профессор Малик Муродов мустақиллигимиз шарофати туфайли, бир неча йилдирки, Туркия олимлари, адиблари билан ижодий ҳамкорлик қилмоқда. Унинг бевосита саъй-ҳаракати билан адабиёт, санъат, қадриятларга бағишланган симпозиум, конференция ва қурултойлар бўлиб ўтди. Уларда профессор М. Муродов қизиқарли, мазмунли маърузалар билан чиқишлар қилди.

Бундан ташқари олим турк қардошлар билан бир неча китоблар тайёрлаб, Анқара ва Истанбул шаҳарларида нашр эттирди. «Ўзбекистон — Анадули халқ эътиқодлари» (1996), «Ўзбекистон иш китоби» (1997), «Турк жумҳуриятларидаги болалар ўйинлари» (1998) каби китоблар шулар жумласидандир. Бундай ҳамфикрлик икки халқ ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Юнус ЗИЁДОВ

Кимошдида денгиз тубидаги винолар

Буюк Британияда ўтказилган «Кристи» кимошди савдосида қарийб 80 йилдан буён Болтиқ денгизи тубида ётган шампан виноси ҳам сотувга қўйилган эди. Кўпчилик харидорлар эътиборини тортган бу ичимликлар 60 минг АҚШ долларига сотилган.

Мазкур француз шампанлари 1916 йилда Россия императори томонидан Финляндиядаги рус ҳарбийлари учун махсус тайёрлатилган эди. Лекин уни олиб келаётган швед кемасини немис сувости кемаси Финляндия соҳили яқинида чўктириб юборган.

1992 йилда Швеция сувости кемаси ўша чўкиб кетган кема қолдиқларини топди ва ичимликларини денгиз тубидан олиб чиқишга муваффақ бўлди. Мутахассисларнинг айтишича, «денгиз шампани» жуда яхши сақланган экан.

Кўмондон истеъфоси талаб этилди

Латвия Президенти Гунтис Улманис республика қуролли кучлари кўмондони Юрис Эйхманис молиявий жанжал кўтаргани учун ундан истеъфо беришни талаб қилди. Президентнинг айтишига қараганда, у ва бошқа ҳарбий раҳбарлар мамлакат қонунларини қўпол равишда бузган.

Тергов хизмати маълумотларига қараганда, Ю. Эйхманис ўз квартирасини таъмирлаш ҳамда сифатсиз аслаҳа сотиб олишга хазинадан 75 минг АҚШ доллари сарфлаган.

Муборак сафар

Буюк алломаларимиз — Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг юбилей табдирлари арафасида бир гуруҳ ватандошларимиз умра сафарини адо этдилар. Биз улардан айримларининг дил сўзларини ёзиб олдик.

Умар Музаффаров, Шайхонтоҳур тумани Янгиобод маҳалласи:

— Биз умра арафасида Самарқандга бориб, Имом Бухорий зиёратгоҳида бўлдик. У ерда бобомизнинг шарафига бунёд этилган катта иншоотлар қўламини кўриб қувондик . Саудияда эса улуғ бобомиз номини ҳурмат билан тилга олишларининг шоҳиди бўлгандик.

Умарқул Эгамов, Уйчи тумани Зарбдор жамоа хўжалиги:

—Аллоҳга беадад ҳамду санолар бўлсинким, биз мамлакатимиз мустақиллиги шарофати ила бундай азиз сафарга муяссар бўлдик. Имом Бухорий юрти вакиллари сифатида бизга ҳурмат ва эътибор кўрсатилди. Мусулмончилик бурчларини адо этаётганимизда Ўзбекистонимизнинг обрўси жаҳоншумул эканлигини яққол ҳис этиб турдик.

Турсунали Қодиров, Мингбулоқ қишлоғи:

— Сафар чоғида ҳар томонлама қулай имконият яратиб берилганлиги учун йўлбошчимиз ва ҳукуматимиз раҳбарларига дуолар ўқидик.

Маҳфуза Файзуллаева, Акмал Икромов тумани Шароф Рашидов номли маҳалла:

— Ўтмишда ота-боболаримиз орзу қилган жойларга бориш мустақиллик даврида бизларга насиб этди. Бу юртимиздаги тинч ва барқарорлик мевасидир. Умра амалларини адо этганимиздан Оллоҳга шукроналар айтамиз.

Абдулла ПЎЛАТОВ
ёзиб олди



Табиат — буюк санъат

«Қуйдирги»лар шифохонада

Қирғизистон соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатда қуйдирги (Сибир яраси) билан оғриган беморларни қайд қилди. «Кабар» ахборот агентлиги мухбирининг хабар қилишича, бу касалликка чалинган 13 киши Чу вилояти касалхонасига ётқизилган. Бу мазкур дардга гирифтор бўлганларнинг барчаси аниқланди, деган гап эмас. Яқинда яна икки киши шу касаллик билан шифокорларга мурожаат этган. Тиббиёт ходимларининг айтишича, қуйдирги касаллиги Қирғизистоннинг мазкур вилоятида 1976 йилда ҳам қайд қилинган эди.

Минасизлантиришга бағишланган анжуман

Камбоджада минасизлантиришга бағишланган халқаро анжуман бошланди. Унда дунёнинг элликка яқин мамлакати, БМТ, бошқа халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этаётир.

Уч кун давом этадиган мазкур анжуманда пиёдаларга қарши қўлланиладиган миналарни ишлаб чиқармаслик ва мавжудларини зарарсизлантириш ҳамда дунёнинг нотинч ўлкаларида мина портлашидан талофат кўрганларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Тақдирланганлар ҳозирча икки киши

Германиянинг эндиликда собиқ Федерал канцлери Ҳелмут Кол «Буюк хизматлари учун» Федерал катта крести билан тақдирланди. Уни Германия Президенти Роман Ҳерцог топширди. Мазкур нишон Германиядаги энг катта мукофот бўлиб, шу вақтгача у билан икки кишигина тақдирланган — 1954 йилда ГФР ҳукуматининг биринчи раҳбари Конрад Аденауэр ва Ҳелмут Кол. Ушбу нишонга К.Аденауэр иккинчи жаҳон урушидан кейин ГФРни тиклагани учун сазовор топилган бўлса, Ҳ. Кол Германиянинг бирлашиши ва уни янада тараққий эттиришдаги хизматлари учун эришди.

Уч йилда тўқилган гилам

Катталиги минг квадрат метрни ташкил қилган Эрон гилами дунёда қўлда тўқилган энг катта гилам сифатида тан олинди.

Бу гиламни 84 нафар тўқувчи уч йил давомида тўқиган. Айни пайтда гилам 1,2 миллиард эрон риёли миқдорида баҳоланмоқда (тахминан 400 минг АҚШ долларига тенг). Лекин хорижликларнинг бу гиламни олиб чиқиб кетиши анчайин қимматга тушади. Чунки, Эрон божхона қонунчилигига асосан фақатгина 14 квадрат метргача бўлган гиламдан бож ҳақи олинмайди. Агарда гилам кўрсатилган ҳажмдан катта бўлса, у ҳолда гилам нархи баробарида бож тўлашга тўғри келади.

Ҳали истеъфога чиқмайди

Куба раҳбари Фидел Кастро истеъфога чиқмаслигини ёки ўзи эгаллаб турган мансабни бошқа бирон кишига бўшатиб бермаслигини маълум қилди. Ф. Кастро АҚШ журналистларининг шу хусусида берган саволига, ҳали танамда кучим бор экан, фаолиятимни давом эттиравераман, деб жавоб қайтарди.

Шунингдек, Ф. Кастро АҚШнинг Кубага нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўллаётганини қаттиқ танқид қилиб, уларни бекор қилиш учун Оқ уй маъмурияти ҳеч қандай шарт қўймаслиги зарурлигини таъкидлади.

Бир балиқда 24 кило икра

Эронлик балиқчилар Каспий денгизининг жанубий қирғоғидан оғирлиги 360 килограммга тенг бўлган осетр балиғини тутишга муваффақ бўлди. Ундан 24 килограмм икра чиқди.

Бу Эронда тутилган энг оғир осетр балиғи деб тан олинди. Ўтган йили балиқчилар 520 килограммлик осетрни тутган эди. Маҳаллий балиқчиларнинг айтишича, илгари бундай балиқларни тутиш одатий ҳол бўлган. Лекин, кейинги пайтларда денгиз сувининг ифлосланиши ва қонунбузарликнинг авж олиши оқибатида бундай балиқлар камайиб кетган.

Сирли олам тилсимотлари

НУЖлар — пучми?

Сўнгги йилларда жаҳон матбуотида номаълум учар жисмлар ҳақида кўп жар солина бошланди. Хўш, бунинг сири нимада? Ростдан ҳам ердан бошқа сайёраларда одамга ўхшаш мавжудотлар борми? Улар номаълум учар жисмларда (НУЖларда) сайёрамизга тушишяптими? Оддий одамлар у ёкда турсин, кўпгина таниқли олимлар — шу соҳанинг маниаман деган мутахассисларининг ҳам бошлари қотиб қолди. Уларнинг бир тоифаси бундай НУЖлар бор, чунки табиат ҳамон сирли, бизнинг ақлимиз етмаган нарсалар кўп, деган фикрда. Яна бир тоифа ҳам борки, улар жуда асосли равишда буни ғирт сафсата деб биладилар. Ердан бошқа жойда одамга ўхшаш мавжудот бўлиши у ёкда турсин, ҳатто бирон ҳаёт аломати йўқ, деган фикрдалар. Аммо, шуниси ҳам борки, масалан, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг тадқиқотчилари Марсда ва бошқа айрим сайёраларда бир пайтлар ҳаёт аломати бўлган деган фикрларни ҳам билдирмоқдалар.

Юқоридаги фикрлар қанчалик ранг-баранг бўлмасин, аммо ҳамон «Биз НУЖни кўрдик» деб ўзлари кўрган ғаройиб нарсаларни журналистларга ҳовлиқиб ҳикоя қилиб бериш ҳоллари учраб турибди. Яқинда бир қишлоқда Ирена деган кампир шундай НУЖни кўрганлигини айтди.

Қизиғи шундаки, у дала ишлари билан машғул бўлиб юрган бир пайтда шундоққина рўпарасига НУЖ келиб қўнган, унинг сирли ойнасидан қандайдир ёруғлик таралиб турганмиш. Алланималарнинг товуши эшитилган. НУЖ бир жойда қимирламасдан анчагача турган. Қишлоқдагиларга биронта ҳам зарар етказмаган, фойдаси ҳам тегмаган. Қарияларнинг айтиши бўйича, НУЖ тушган йили олма бўлмас эмиш, аммо картошка ҳосили беқиёс бўлармиш. Қозонга иккита ана шундай картошка солинса, бемалол бир оила тўярмиш. НУЖ тушган жойда арпа жуда тез ўсиб мўл ҳосил берар экан.

Ирена кампир НУЖни кўриб қўрқиб кетган. У юқори вольтли линияни шамол узиб юборган, шундан атрофга учқунлар сачраган, деб ўйлаган. Шуниси қизиққи, унинг ёнида ўғли ҳам бўлган. Кампир-ку майлия, ўғлига ҳам ўша НУЖ кўринган. Иккалалари қочгани жой тополмай қолишган. Қарамай деса, ниҳоятда гўзал манзара эмиш. Кинолардагина шундай гўзал манзарани учратиш мумкин.

Ирена кампир бу ҳақда ҳеч кимга айтишни хоҳламаган ҳам. Айниқса журналистларга. Чунки улар дарров шов-шув қилиб юборишлари мумкин-да. Шу сабабли ҳам журналистлардан бири ўша НУЖ тушган қишлоқда яшовчи таниш рассомникига боради. Мана, рассом нималарни ҳикоя қилган:

— Кечқурун қўшни қишлоқдан қайтиб келаётган эдим. Ва қоронғуликда шуни кўрдимки, кимдир менга фонар тутиб турибди. Бир киши рўпарамда келяпти, деб ўйладим. Ўзимни йўқотмасдан фонарга қарадим. У осмонда муаллақ турар, ҳеч ким ушлаб тургани йўқ эди. Фонар менга тобора яқинлашиб келарди. Яқинлашган сари катталашиб борарди. Қисқаси, олдимда катта ёруғлик сочиб турган шар пайдо бўлди. Қўрқа бошладим. Кучим борича уйимга қараб қочдим. У мени қувиб келарди. Бахтимга ўзимни йўқотмадим. Ҳув анави уйнинг устида бир паст турдию, кейин кўздан йўқолди.

Энди Ирена кампирга қайтайлик. Қани, у нималарни гапириб бердийкан? Худди ана шу шар кампирни ҳам «қувибди». У ҳам осмондан ёп-ёруғ шар тушиб келганлигини гапириб берди. Аммо кампир қўрқиб кетиб, дала ёнидаги йўлга қочиб чиққан ва дуч келган машинани тўхтатган. Буни қарангки, НУЖ машина кетидан ҳам «қувлаган». Шофёр кампирнинг жон-ҳолатда бир нималар деяётганидан ажабланиб машинани тўхтатган. Ён-атрофга қараган. Шуниси қизиққи, шофёрга ҳеч нарса кўринмаган. Демак, НУЖ қочиб қолган...

Хуллас, ўша қишлоқдагилар номаълум жисм келганини бир овоздан тасдиқлашди. Буниси ҳам майли-я, шу ерлик ўқитувчи ҳам уфқдан аста-секин ҳаракат учар тарелка келаётганини кўрган. У дум-думалоқ, ўткир нур таратувчи, иллюминатори бор катта жисм экан. Ҳамманинг эсҳуши учиб сиқ-қоннинг ини минг танга бўлиб кетганда, учар тарелка «йўқолган».

Вильнюсдан қайтиб келаётган журналистга йўлда шофёрлар ҳам қишлоқдаги каби учар шарларни кўришганини айтганлар.

Биз юқорида НУЖлар масаласида жаҳонда икки хил бир-бирига зид фикрлар мавжуд эканлигини бежиз тилга олганимиз йўқ, албатта. Аниқ маълумотлардан шу нарса бизга аёнки, қуёшда доғлар кўпайган йилларда қутбда аланга кўтарилади. Катта доғ қуёш марказидан ўтаётганда 20-40 соатдан кейин қутб осмонида (ер устида) аланга пайдо бўлган. Шунда радиоалоқа, компас, телеграф, телефон иши жуда ёмонлашган. Ер шари — катта магнит. Унинг қутблари эса шимол ва жанубга яқин.

1878 йилда америкаликлар ҳиндулар билан уришаётганда Авраам Линкольн портидан солдатлар отряди чиққан. Бир пайт... улар осмонда марш билан кетишаётган эмиш. Ёки Африкада тинч пайтда осмонда хар хил ҳайвонлар тасвири кўринган. Шимолий Африка чўлларида эса, кўл, шаҳар, боғлар кўринган. Жанубий Италияда, Мессин бўғозида денгиз устида афсонавий сарой, ҳаво минораси, гулливерлар, дарахт ва ҳайвонлар кўринган. Бу манзаралар вақти-вақти билан алмашиниб турган. Сиваш, Крим, Перекопда ўрмон, уйлар кўринган. Ғарбий Сибирда эса, симёғочлар туя карвонларидек туюлиб, осмонда кўл, унда эса қушлар учиб юрган.

Бу афсонами, деб ўйларсиз, ҳолбуки бу одамлар саробни кўрган, шоҳиди бўлган «мўъжизалар» эса пуч нарса.

Гап шундаки, ҳаво ҳам ойна каби ўзида нарсаларни акс эттириш хусусиятига эга. Олимлар буни аллақачон кашф этишган. Масалан, Санкт-Петербургдан 40 километр узоқликда жойлашган бир шаҳарча яхши кўринмайди. Лекин баъзан кафтдагидек тиниқ кўринади. Олимлар буни унинг ҳаводаги акси, деб ҳисоблайди. Ёки Жазоирда бир ғор бор. Унинг ичига кириб бир тошга ўтирган киши пастда — 50 метр қуйида ҳам бир одамнинг тош устида ўтирганлигини кўрган. Ўрнидан турса у ҳам ўрнидан турибди. Аниқласа, ўз акси экан. Айниқса Чукоткада қизиқ ҳодисанинг гувоҳи бўлишган. Овчига катта оқ айиқ кўринган. Уни отмоқчи бўлса, айиқ қанот ёзиб учиб кетган. Маълум бўлишича, у чайка бўлиб чиқди!

Хуллас, дунёнинг ажойиботлари кўп. Аммо шу нарса илмдан маълумки, ҳеч нарса йўқдан бор бўлмайди, фақат Оллоҳ яратган нарсаларнинг ўзигина мавжуд. Баъзи одамлар ҳаётда «шов-шув» уйғотишга уринаётган нарсалар эса, назаримда, бизнинг ҳали табиат сирларини тўла билмаслигимиздан, дейишга ҳамма асослар бор.

Ҳамид ИКРОМОВ
тайёрлади

Солиқ сиёсати қатъий

Қозоғистон ҳукумати солиқлар ўз вақтида тўланиши масаласида қатъий сиёсат олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Давлат даромадлари вазирлигининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида давлат хазинасига 158 миллиард тенге миқдорида солиқ тушган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,4 фоиз кўпдир. Давлат хазинасига божхона тўловлари ва хусусийлаштиришдан тушган маблағ эса 197 миллиард тенгени ташкил қилган. Шунда ҳам йил охиригача бюджетда кўзда тутилган маблағнинг бор-йўғи 90 фоизи йиғилиши мумкин, деб хабар беради «КазААГ» ахборот агентлиги.

Уч мамлакатга ташриф

АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэн 4-6 ноябрь кунлари Японияга ташриф буюради. Шунингдек, у шу кунлари Хитойнинг Сянган вилояти ва Жанубий Кореяда ҳам бўлади.

Японияда У.Коэннинг Бош вазир К. Обути билан учрашиши кутилмоқда. Унда икки мамлакат ўртасида ҳарбий соҳадаги алоқалар, Корея ярим оролидаги вазият, Осиё давлатларидаги молиявий бўҳрон ва бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинади, дейилади бу ҳақдаги хабарда.

ЎзА ва хорижий манбалар асосида тайёрланди.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 29 oktyabr, payshanba № 129 (23.366).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳамид ИКРОМОВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 20.122 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 0397

Босмага топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Яна Ватанни улуғлаб

Яна мухлислар орзуси ушалди. Профессионал бокс «қироли» номини олган зарби зўр йигит Артур Григорян 7-марта ўзининг «олтин камари»ни ҳимоя қилди. У бу сафар Гамбург шаҳрида италиялик Жорж Кампанел билан рингга чиқди. Рақиби шу пайтгача 31 учрашув ўтказиб 26 та ғалаба, 1 та дуранг ва бор-йўғи тўрт марта мағлубиятга учраган эди. Зеро, Артур ҳозирча мағлубият нималигини билмайдиган боксчилардан саналади. У 24 та учрашув ўтказиб, шундан 15 тасини накаутли зарба билан якунлаган. Мухлислар Антонио Ривера (Пуэрто-Рико), Жинрид (АҚШ), Марти Якобоски, Раул Балди (Аргентина), Девид Армстронг (АҚШ), Марко Рудолф (Германия)лар билан учрашувларда ажойиб ғалабага эришганини яхши билишади. Жаҳон чемпиони номини ҳимоя қилиш учун рингга кўтарилган Артур бу сафар 10 раундли баҳснинг сўнггида Жоржни накаутга учратиб яна ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Ғолиб шарафига ой юлдузли байроғимиз кўтарилиб Ватанимиз мадҳияси таралди.

КУБОК ЭГАЛАРИ

«Пахтакор» жамоаси Осиё кубок эгалари кубоги учун баҳснинг 1/8 финалида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» футболчилари билан келаси йилнинг 5 февраль куни сафарда учрашадиган бўлди. Жавоб учрашуви 19 февралга мўлжалланган.

Спорт

ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

«Навбаҳор» футболчилари Ҳиндистонда «Бордолей» кубоги учун ўтказилган халқаро мусобақада қатнашиб, 9:0, 4:2 ҳисобида ғалабага эришиб, финалда «Трайф» жамоасини 10:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва кубок соҳиби бўлди.

ОСИЁ КУБОГИ

2000 йилнинг12-29 октябрь кунлари Байрутда ўтказиладиган Осиё кубоги учун курашнинг финал учрашувларига ҳозирлик кўриш бошланди. Мусобақада иштирок этадиган 42 мамлакат 10 гуруҳга бўлинди. Саралаш ўйинлари учун ташланган қуръага кўра, Ўзбекистон терма жамоаси учинчи гуруҳда БАА, Шри-Ланка, Бангладеш футболчилари билан ўйнайдиган бўлди.

МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ

Яна икки тур учрашувларидан кейин олий лига жамоалари маррага етадилар. 28-турда қуйидаги учрашувлар бўлди: МҲСК — «Металлург» (1:1), «Трактор» — «Сўғдиёна» (1:2), «Дўстлик» — «Сурхон» (5:0), «Пахтакор» — «Косонсой» (4:1), «Андижон» — «Темирйўлчи» (3:2), «Нефтчи» — «Бухоро» (4:0), «Насаф» — «Хоразм» (4:0), «Навбаҳор» — «Зарафшон» (1:0). Ҳозир пахтакорчилар 66 очко билан биринчи бўлиб туришибди «Нефтчи» ҳисобида 65 та очко бор. Навбаҳорчилар 53 очко тўплашган.

Батат — ширин картошка

Ёзнинг сўнгги кунлари эди. Гулистон шаҳрида истиқомат қиладиган танишимиз хонадонига ташриф буюрдик. Бундан хурсанд бўлган мезбон: «Дастурхон ёзилгунча сизларни ғаройиб экин билан таништирсам, ахир журналистлар янгиликка ўч бўлишади-ку» деб қолди. Биз бажонидил рози бўлдик.

Биргалашиб томорқага чиқдик. Мезбон кўм-кўк бўлиб ўсаётган экинга ишора қилиб:

— Хойнаҳой, бунақасини учратмаган бўлсаларингиз керак. Бир қарашда картошкага ўхшаб кетадию, лекин бутунлай бошқача экин. Номи — батат, мўъжизанинг ўзгинаси. Илдизи мевали, ҳосилдор экин. Ўзбекистоннинг ер ва иқлим шароитига жуда мос.

Бундан салкам ўн йил олдин бўлиб ўтган бу воқеани эслашдан мақсад, яқинда эски танишимиз — Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли халқ корпорациясининг таниқли шоликори Озод Акбаров хонадонида бўлганимизда, «Келганларингиз яхши бўлди, батат деган картошкадан манти тайёрланаяпти. Еб кетасизлар» деб қолди. Тез орада таом дастурхонга тортилди.

Мақсадга кўчайлик. Аета-

Ўн саккиз минг олам

секинлик билан бўлса-да, батат картошкаси элга маълуму-манзур бўлиб бораётган экан, аслида бу қандай экин, уни республикамизда кенгроқ майдонларга экса бўладими?

Аниқланишича, бататнинг асли ватани тропик ва субтропик мамлакатлар бўлса-да, Марказий Осиё шароитида, жумладан Ўзбекистонда ўзини яхши «ҳис» қиладиган кўп йиллик иссиқсевар ўсимлик. Суғорма деҳқончиликда, айниқса қумлоқ тупроқда батат гектарига 30-40 тоннагача ҳосил беради. Энг муҳими, картошка ўрнида истеъмол қилиш мумкин.

Палаги сербарг бўлиб, чорва молларни боқишда тўйимли озуқа сифатида фойдаланилади. Унинг ҳар гектаридан тахминан илдиз мевасига тенг келадиган миқдорда кўк поя олинади. Палагини кўк ҳолда, қуритилган ва силос ҳолида ишлатса бўлади. Озуқа сифатида бемалол беданинг ўрнини босади.

Батат бир қатор ривожланган мамлакатларда мўл ҳосил манбаи бўлиб келяпти. «Ширин картошка» деб аталувчи бу экин хомашёсидан америкаликлар ун янчиб, турли юқори калорияли қандолат маҳсулотлари тайёрлашда кенг қўлланиб келишади. Натижада, ҳар йили бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ун 25-30 фоиз миқдорида тежаб қолинади. Боз устига пазандалик маҳсулотлари тайёрлашда шакар қўшилмайди. Чунки батат таркибида углеводлар кўп.

Батат қишда сақлашга ҳам қулай. У 7-10 кун селгитилиб, махсус омборларда ёки сўкчакларда сақланса, бир ярим йил давомида атиги 4 фоиз чиқитга чиқади холос. Энди ўз-ўзидан савол туғилади: бататни мамлакатимизда кўпайтирса бўладими? Бўлади, албатта. Бунинг учун бизнинг назаримизда аввал икки нарсани ҳал қилмоқ лозим. Биринчидан, уруғлик билан жиддий шуғулланиш талаб этилади. Иккинчидан, бататни экинлар айланмасига киритиб, харид нархини белгилаш керак бўлади. Ана шундагина республикамиз қишлоқ хўжалигида, хусусан картошкачилигида батат ўз самарасини беради.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ

«Воҳидов ўқишлари – 98»

«Қизилўнгач ва ошқозон реконструктив хирургиясининг долзарб масалалари» республика анжумани халқаро миқёсда ўтказилмоқда. Мазкур анжуман 29-30 октябрь кунлари «Хирургия институти»да бўлиб ўтади. Академик Воҳидовнинг даволаш усуллари замонавий ўзбек тиббиётини ривожлантиришда, такомиллаштиришда муҳим манба эканлиги маълум. Ҳатто бир қанча ривожланган давлатлар бу усулдан фойдаланмоқда. Ушбу халқаро анжуманнинг Академик Воҳидов номи билан аталиши бежиз эмас.

Мазкур анжуманда Россия, Украина, Белоруссия, Арманистон, Озарбойжон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби хорижий давлатлардан таниқли жарроҳлар қатнашиши кутилмоқда. Қизилўнгач ўсмалари, жигар циррози, қизилўнгач куйиши, чандиқларни даволаш йўлларини такомиллаштириш масалалари анжуманнинг иш фаолиятини белгилайди.

Дилдора ҲАЙТМЕТОВА, ТошДУ талабаси.



Китоб — содиқ дўст. *Шавкат АКРАМОВ олган сурат.*

«Оила — 98»
«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Аҳмедов*
Исми *Ражаб*
Отасининг исми *Аҳмад*
Қачон, қаерда туғилган *1897 йил Самарқанд вил. Иштихон (собиқ Митан) тум. Шейхлар қишлоғи*
Ҳозир қаерда яшайди *Ҳозир ҳам шу қишлоқда яшайди*
Узоқ умр кўришнинг сири *Меҳнатга ихлос* (қисқа баён этилади)
Юз ёшнинг хулосаси *Ҳаракатдан — баракат* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнгида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Аҳолидан 1940 йилгача қўлда тўқилган ҳар қандай аҳволдаги ГИЛАМЛАР, СЎЗАНАЛАР, КАШТАЛАРНИ *қиммат баҳоларда* **СОТИБ ОЛАМИЗ**

«Ориентир» этнография нашриёти. Тошкентдаги телефонга қўнғироқ қилинг: **136-01-68**

Бошқа ҳудудларда яшовчилар гилам суратини қуйидаги манзилга жўнатишларини сўраймиз

Тошкент шаҳри, Главпочтамт, А/Я 1151
Гиламнинг ҳажми, уй манзили ва телефон рақамингизни кўрсатинг.

Ўқимасам, хумори тутади

Обуна—99

— «Ўзбекистон овози»ни қўлдан қўймай ўқиётганимга 40 йилдан ошди. У пайтларда мактаб ўқувчиси эдим. Газетанинг ўқишли, қизиқарли ва ҳар хил янгиликларга бойлиги диққатимни тортиб келмоқда. Газета айниқса, мустақиллик йилларида мутлақ янгича «нафас» олмоқда, десам муболаға бўлмас. Замон андозаларига мослиги, ўзига хос безаклари билан газета янада ёшариб кетди, — дейди Пайариқ туманидаги Халқобод ижара хўжалигининг Қудуқча қишлоғида яшовчи тадбиркор Ёллабой Нуриддинов. — Келаси йил учун ҳам «Ўзбекистон овози»га биринчилар қатори обуна бўлдим. Агар газетани вақтида олиб ўқиб турмасам, ҳумори тутаверади.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

АООТ «Лаззат»

извещает о проведении 4 ноября 1998 года очередного собрания акционеров. Начало в 15^{00}.

Повестка дня:

Совершенствование системы управления АООТ «Лаззат» в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 августа 1998 года № 361.

Наш адрес: г.Ташкент, ул. Каракамышская, 4.
Телефон: 21-30-37.

Диққат!

Ангрен қурилиш материаллари ҳиссадорлик жамияти корхона, ташкилотлар ва жисмоний шахслар билан оқ ва кулранг тусдаги цемент етказиб бериш юзасидан 1998 йил ва 1999 йиллар учун чекланмаган миқдорда **ШАРТНОМА** тузади.

Сифати № 030382 SSUZ ва 030383 SSUZ рақамли сертификат билан тасдиқланган.

Пул тўлаш тартиби - турлича

Манзилимиз: Ангрен шаҳри, цемент заводи.

Бухорода халқаро симпозиум

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ҳамкорлигида Бухорои Шарифда ўтказилган халқаро симпозиум табиий моддалар кимёсига бағишланди. Уч кун давом этган бу халқаро анжуманда дунёнинг 17 мамлакатидан йирик кимёгар олимлар қатнашдилар.

Симпозиумнинг айнан Бухорода ўтиши бежиз эмас, албатта. Чунки, Бухорода ҳам ўсимликлар дунёси бой ва табиий моддалар кимёсини ўрганишда муайян тажрибалар тўпланган. Шу боис Тошкентда 1994 йилда, Туркияда 1996 йилда ўтказилган мазкур симпозиум шу йил октябрь ойида шаҳарда ўтказилишига аҳдлашилганди.

Симпозиумда турли давлатларнинг вакиллари бўлган таниқли олимлар маърузалар қилдилар.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бемор ўлганлар илар...

Гоҳо озгина тобимиз қочса, аввалига ўзимизни ўзимиз даволагимиз келади. Билиб-билмай ҳар хил муолажалар қилишга уринамиз. Натижа бермаса...

Ниҳоят дўхтирга чопамиз. Улар бўлса жонларини жабборга бериб бизнинг хатомизни тузатиш учун курашадилар. Ана шундай куюнчак инсонлардан бири Яккабоғ туманидаги «Оналар ва болалар» шифохонаси бош врачи Элбобо Таъриқуловнинг саломатлик ва хасталик ўртасидаги мувозанат хусусидаги мулоҳазалари ўзгачароқ. У киши билан суҳбатлашсангиз аввалига унинг дўхтирлиги эсидан чиқиб кетди, деб ўйлайсиз. Кейин эса...

Элбобо ака бошчилик қилаётган шифохона ҳовлисига кираётиб ён-атрофга қараб, тўғриси, ҳайрон қолдим. Негаки, ҳаммаёқ гулзор ва кўм-кўк рангларга бурканган эди. Охири ўзидан сўрадим: «Бир замонлар шифохонада жуда катта боғ бор эди. Уларнинг ҳаммаси қуриб битдими?» Шу орада одамларнинг ҳам анча вақт боққа ачиниб юришгани ёдимга тушди». У киши мулоҳаза билан гап бошлади.

— Ҳа, шифохона боғида тўп-тўп олма-ю ўриклар, нокларнинг ширин-шакар меваларини кўриб ҳамманинг ҳаваси келарди. Беморлардан тортиб, шифокорларгача бутун ёз бўйи бу мевалардан тотар эди. Аммо орада қаровсизликдан бу боғ ўз кўркини йўқотди. Боғ ўрни ташландиқ жойга айланиб қолди. Ҳатто айримлар менга киноя қилиб «йўқолган боғни қачон тиклайсиз?» дейишди ҳам. Чидолмадим. Шахсан ўзим шу ерни назоратга олиб, қайтадан кўчат ўтқазидим. Айтсам ишонмайсиз, экилган кўчатлар сони қайд этилган дафтар туттирдим. Қоровуллар ҳар бир ниҳол учун жавоб берадиган бўлди. Мана энди кўринг, боғимизни. Олд дарахтлар мевага кирди. Узумларимиз шиғилшиғил.

Ҳайрон бўлманг, дўхтир билан боғ ҳақида суҳбатлашиб нима қиларкан, деб. Йўқ, қаерда ободончилик ривож топса, ўша ердан қут-барака аримайди. Бу шифохона кўпчилик келиб-кетадиган манзил. Айниқса, оналар ва болалар мазкур масканда ўз саломатликларини тиклайдилар. Шу маънода Элбобо Таъриқулов айтаётган боғнинг савоби катталигини айтиш шарт эмас.

Бош врач тиниб-тинчимайдиган одам. Ҳовлини айланаётиб қўли билан дарвоза ёнидаги жойни кўрсатиб «бу ерда шифохонанинг маъмурий биноси қад ростлайди. Мана буниси эса дорихона бўлади. Қаранг, синч девордан дорихонамиз биносини тиклаяпмиз. Униям махсус лойиҳа асосида ҳашар йўли билан қуряпмиз. Шу ернинг ўзида 20 га яқин доридармонни тайёрлаш имкониятимиз туғилади. Ҳозирги кунда ўткинчи иқтисодий тақчиллик шароитида шифохонамизга келган беморларни дори-дармон билан таъминлашда озгина қўлимиз калталик қилаяпти. Лекин дорихона битгач, юз фоиз таъминлашга эришамиз», — деди.

Сўнг шифохонадаги шароитларни кўздан кечирдик. Шифокорлардан Кенжа Расулов, Йўлдош Ўринов, ҳамшираларидан вилоят миқёсида ўтказилган «Ҳамшира-98» кўрик-танловининг совриндори Ҳафиза Нормуродова, Дилором Қосимова, Марзия Маматова, Эвара Нишонова, Хосият Улашева, Розия Бойматова, Мўътабар Муҳаммадиева, Зумрад Ҳомидовалар билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳар бири ўз бурчларини сидқидилдан ado этаётганликларини айтишга ийманишди. Улар ҳақидаги бор гапларни оналар ва болакайлардан эшитиб бошимиз осмонга етди.

Элбобо аканинг бугунги кунда тиббиётимиз олдида турган масалалар ҳақидаги ўз мулоҳазалари бор: «Тиббиёт соҳасида шунча йил ишлаб ёки бугунги кунда оналар ва болалар ўртасида учраётган хасталикларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб ҳайрон қоламан. Нега дерсиз? Айниқса, бизнинг ўзбекларда ғалати одат бор. Яъни ҳар биримиз қачон бошимиз ёстиққа тегса ўйланиб қоламиз. Тириклик билан кечириб бўлмас хатоликлар ўртасидаги мувозанат узилиб кетса, икки оёғимизни қўлтиқлаб зир югурамиз. Унгача эса... Ҳар хил усуллар билан ўзимизни ўзимиз алдаймиз. Тиббиёт эса бундай алдовларни кўтармайди. Унга аниқ ташхислар керак. Озгина муддат кечикилса ёки нотўғри ташхис қўйилса, бемор бир умр азият чекиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун мен ҳар лаҳза шифохонамиз дўхтирлари ва ҳамшираларига беморлар билан муомала ва муолажада ниҳоятда эҳтиёткор бўлишларини тайинлайман».

Шифохонадан қайтаётиб бош врачдан «қандай муаммолар бор?» деб сўрадим. У киши кулимсиради. Сўнг «муаммолар ҳаммаси ўзимизники. Ютуқлар ҳам. Етти йил ичида эришган муваффақиятларни санасам, уларнинг соясида муаммолар ўз-ўзидан кўринмай кетади», деди.

Майрам ШАРОПОВА, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Ташкилий - кадрлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Ёқубжон Жалоловга ўғли

ҲАСАНБЕКнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Акмал Икромов туман кенгаши туман кенгашининг биринчи котиби Маҳмуд Собирович Ёқубовга укаси

МАНСУРЖОНнинг

вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор этади ва сабр-қаноат тилайди.

Низомий номли ТДПУ ректорати ва жамоат ташкилотлари чет тиллар кафедраси мудири, профессор Ж. Жалоловга падари буюруквори

ЖАЛОЛИДДИН отанинг

вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор этади.